

КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ (“КАСБИЙ ФАОЛИЯТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” ФАНИ МИСОЛИДА)

Н. Р. Сирожиддинова

Профессional таълимни ривожлантириш институти,
“Инновацион таълим технологиялари” кафедраси мудири
nsirojiddinova77@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллифлар Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим дастурларини ишлаб чиқиш, касбий компетенция, ахборотлар билан ишлаш компетенцияси, ижтимоий компетенция, коммуникатив компетенцияларни ўқувчиларда шакллантириш ва ривожлантириш, таълим дастурларига “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” фанини киритиш орқали ўқувчиларга иқтисодиётда қўлланиладиган ахборот комплекслари ва ахборот коммуникатсион технологияларининг назарий асосларини ўргатиш, техник ва дастурий тизимлар, online амалий дастурий таъминотнинг ишлаш технологияларини иқтисодий соҳада қўллаш, иқтисодий фаолиятдаги ахборот тизимларни ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритади.

Калит сўзлар: профессионал таълим, касб стандарти, таълим дастурлари, ўқув режа, ўқув дастури, компетенция, компетенцияга асосланган таълим (competency based learning), ахборотлар билан ишлаш компетенцияси, ижтимоий компетенциялар, коммуникатив компетенциялар, ахборот комплекслари, ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ).

ABSTRACT

In this article, the authors develop educational programs based on the competence approach, form and develop professional competence, information processing competence, social competence, communicative competence in students, introduce the science of "Information technologies in professional activities" to students in the economy. teaching the theoretical foundations of the used information complexes and information communication technologies, technical and software systems, application of the



operating technologies of online application software in the economic sphere, teaching information systems in economic activities and their implementation in practice runs.

Keywords: professional education, professional standard, educational programs, curriculum, curriculum, competency, competency-based learning, competency for working with information, social competencies, communicative competencies, information complexes, information and communication technologies (ICT).

КИРИШ

Таълим соҳасидаги ўзгаришлар соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, олий ва ўрта махсус таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим муассасаларининг иқтисодий жиҳатдан мустақил фаолият юритишини таъминлаш каби вазифалар тизимда янги замонавий фикрлайдиган, тизимга оид муаммоларга ечим топа оладиган, инновацияларни қўллаб қувватловчи, рақобат ўсиб бораётган таълим хизматлари бозорида табақалашган таълим хизматларини таклиф эта оладиган, юқори билимга эга мутахассисларга эҳтиёжни янада оширмоқда.

Жаҳон меҳнат бозори талаблари асосида кадрлар тайёрлаш профессионал таълим тизимини асосий вазифаси ҳисобланади. Шу боисдан профессионал таълим тизимидаги таълим муассасалари олдида тақдим этилаётган таълим хизматлари сифатини сезиларли даражада ошириш, бозор иқтисодиёти учун профессионал кадрлар тайёрлаш функциясини тўлақонли амалга ошириш вазифаси ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Бунда кўрсатилаётган хизматлар сифатининг мезони ўқувчиларнинг ўқитиладиган фанларни ўрганишга бўлган қизиқиши, бу қизиқиш мезони эса ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Профессионал таълимда ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни шакллантиришда ўқув дастурларини мазмуни ва унинг сифати муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун профессионал таълим тизими ўқув дастурларини белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш асосий вазифа этиб белгиланган.

Шу сабабли профессионал таълимда таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этилганларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан



ҳисобланади.

Ушбу такомиллашув натижасида профессионал таълим бошқа ривожланиш парадигмасини қабул қилмоқда. Унинг асосий мақсади - меҳнат бозорининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қондириш бўлиб, айнан шу касб, мутахассисликлар бўйича иш берувчилар орасида талаб мавжуд. Бунинг учун эса талаб таркибининг ўзгаришини билиш ҳамда доимий равишда кузатиб бориш, иш берувчиларнинг касбий маҳоратга бўлган янги эҳтиёжлари ва ходимларнинг малака даражасини аниқлаш, меҳнат бозори имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

Профессионал таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини бевосита кундалик ҳаётида қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндашувга асосланган таълим дастурлари яратилиб амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим дастурлари ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатларини шакллантиради. Мазкур ёндашув асосида таълим дастурлари касб ёки мутахассисликнинг (касб ёки мутахассисликка тегишли квалификатсиялар) касб стандарти ҳамда касб ёки мутахассисликнинг тармоқ-тариф малака маълумотларини функционал таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилади.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да компетенцияга у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба деб таъриф берилган.

Касбий компетенция ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллай олиш қобилиятидир. Маълум бир фан бўйича касбий компетенцияни ўзлаштириш янги ахборотларни излаш, ўрганиш ва қўллаш, замон талабларини ҳис этиш, фанга доир янги ва замонавий билимларни излаб топиш ҳамда эгаллаш, ўз амалий фаолиятида қўллаш, юзага келган муаммоларни мустақил бартараф этиш, масала ечимига оид бўлган методларни саралаш каби кўникмаларда намоён бўлади.

“Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” фанини таълим дастурларига киритиш орқали шаллантирилиши назарда тутилган касбий компетенциялар таркибини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси - касбий билимларини ахборотлар билан тўлдириш ва амалда қўллай олиш, ахборотларни таҳлил этиш, ахборотларни фаолият мазмунига мослаш, ахборотларга баҳо бериш, ахборот маълумотларига ижодий ёндашишдир. Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси-



медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни, қайта ишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиамаданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати. Яъни ўқувчилар ахборотларни қабул қилиш баробарида уларни тегишли фан соҳалари бўйича қўллаш олиши шарт ҳисобланади.

Ижтимоий компетенциялар - жамоада ва маълум вазифани бажаришга йўналтирилган гуруҳда ишлаш, ҳамкасблар ва мижозлар билан самимий, хушмуомала ва самарали мулоқот қилиш, коммуникабельлик демакдир.

Юқори ижобий коммуникабельликка эга бўлган одамлар ишдаги монотонликка, қатъий талабларга риоя қилиш, кимнингдир буйруғига бўйсунуш зарурлигига тоқат қилмайдилар. Улар қатъий интизом талаб қилинадиган иш шароитларига мос келмайди. Аммо улар доимий хизмат сафарлари туфайли, меҳнат доимий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган жабҳаларда ўзларини бошқаларга қараганда яхшироқ ҳис қилишади. Етарли истеъдод билан бундай одамлар ижодда катта муваффақиятларга эришадилар. Коммуникабельлик қобилиятига эга бўлган одамлар аниқ белгиланган вазифаларни бажаришни ўз ичига олган профессионал роллар учун энг мос келади. Улар учун меъёрларга риоя қилиш жуда муҳим, шунинг учун улар энг аввало яхши ташкил этилган меҳнат тизимига муҳтож. Коммуникабельлик билан интеллектуал функцияларнинг юқори даражадаги ривожланиши комбинацияси жуда маъқул бўлган профессионал меҳнатга мисол - бухгалтернинг иши бўлиб ҳисобланади.

Коммуникатив компетенциялар- жамоада мулоқот ўрната олиши ахборотни тўғри қабул қила олиш ва тўғри етказа билиш, интернет тармоғида мулоқотга кириша олишдир.

Мазкур компетенцияларни ўқувчиларда шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида Бизнес ва бошқарув соҳаси барча таълим йўналишлари 5 даража касб ва мутахассисликлари ўқув режасига “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” фанини киритиш орқали ўқувчиларга иқтисодиётда қўлланиладиган ахборот комплекслари ва ахборот коммуникацион технологияларининг назарий асосларини ўргатиш, техник ва дастурий тизимлар, online амалий дастурий таъминотнинг ишлаш технологияларини иқтисодий соҳада қўллаш, иқтисодий фаолиятдаги ахборот тизимларни ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш мақсад қилинган.



Профессионал таълим ўқувчиларини замонавий ахборот комплекслари ва ахборот коммуникацион технология(АКТ)ларда ишлай олиш кўникмаларини шакллантириш, замонавий интеграллашган онлайн тизимларни иқтисодий соҳалардаги техник ва дастурий таъминотлари тўғрисида билимлар бериш, иқтисодий масалаларни ечишда ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш, таҳлил ва қарор қабул қилиш, ахборот коммуникацион технологияларни меҳнат фаолиятида қўлай олиш, ахборот коммуникацион технологияларини касбий амалиётга татбиқ қилиш бўйича билим, кўникма ва малакани шакллантириш фаннинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Касбий фаолиятда ахборот технологиялари фанини ўзлаштириш натижасида эгалланаётган касб ёки мутахассислик бўйича электрон ахборот тизимларида ахборотларни шакллантириш ва киритиш, электрон жадваллар ва улардан фойдаланиш, ахборот оқимлари ва улар билан ишлаш, электрон ахборот оқимида ишлаш, электрон почтада ишлаш, ахборотни қидириш ва сақлаш учун ахборот ресурсларидан фойдаланиш, иш юритишда график ва медиа ахборотлардан фойдаланиш, статистик ва бошқа ҳисоботлар тузиш каби кўникмалар, шунингдек электрон ахборот тизимлари ҳамда дастурий комплексларда мустақил ишлай олиш компетенциялари шакллантирилади. Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур фан дастури ҳар бир касб ва мутахассисликлар учун алоҳида, касбнинг хусусиятлари ва унда бугунги кунда амалиётда қўлланилаётган ахборот тизимлари ҳамда дастурлар асосида ишлаб чиқилган.

Масалан: 40411001 - Ходимларни бошқариш мутахассислиги бўйича “Кадрлар бўйича маслаҳатчи” электрон ахборот тизими, кадрларга оид “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси; 504101101- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит мутахассислиги бўйича электрон иш юритиш ва рақамли иқтисодиётни амалда қўллаш, Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш, ID-рақам, www.id.uz сайтида ишлаш, электрон калит ва е-имзо олиш, СТИР рақами ва солиқ хизматларидан фойдаланиш, QR-код олиш ва ундан фойдаланиш, “Электрон савдо” дастуридан фойдаланиш, Е, D-хариддан фойдаланиш, 1С дастурида ишлаш, UzASBO дастурида ишлаш амалий мавзулари киритилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда Касбий фаолиятда ахборот технологиялари фанини ўзлаштириш натижасида ўқувчиларда рақамли технологиялар, коммуникация ва



тармоқ технологиялари, маълумотлар базасини бошқариш ҳақидаги билимлар, касбий фаолиятни ташкил этишда ахборот тизимлари ва технологияларини қўллаш, замонавий ахборот тизимларининг функционал имкониятларини қўллаш ва иқтисодий жараёнларга, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, самарали ва оптимал ечимларни ахборот тизимлари ёрдамида қўллаш, тузиш ва тақдим этиш кўникмалари, турли иқтисодий жараёнларга замонавий ахборот тизимлари ва технологияларини қўллаш масалалари бўйича ечимлар қабул қилиш малакалари шакллантирилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 сонли Фармони. // www.lex.uz
2. Ходжабаев А.Р., Қосимов Ш.У. Амалий касбий таълимни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси. – Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 150 б
3. Отабаев И.А. Методы и формы производственного обучения. // Ж.: Найка, техника и образование. – Москва, 2016. №10(28). С.84-85.
4. Сирожиддинова Н.Р. Инновацион таълим технологиялари асосида ўқувчиларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш. // Дисс.....п.ф.ф.д. (PhD). – Тошкент, 2023

